

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИСАШОВ САИДАХРОР АНВАРЖОНОВИЧ**

**ҒЎЗАНИНГ АНДИЖОН-35 ва АНДИЖОН-36 НАВЛАРИНИ  
ПАРВАРИШЛАШДА ТУПРОҚ ОСТИДАН СУҒОРИШ  
УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2023



**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences**

**Исашов Саидахрор Анваржонович**

Вўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини парваришлашда тупрок  
остидан суғориш усулини қўллаш ..... 3

**Исашов Саидахрор Анваржонович**

Применение подпочвенного способа орошения при возделывании сортов  
хлопчатника Андижан-35 и Андижан-36..... 21

**Isashov Saidakhror Anvarjonovich**

The use of subsoil irrigation in the cultivation of cotton varieties Andijan-35  
and Andijan-36..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**


**ИСАШОВ САИДАХРОР АНВАРЖОНОВИЧ**

**ДЎЗАНИНГ АНДИЖОН-35 ва АНДИЖОН-36 НАВЛАРИНИ  
ПАРВАРИШЛАШДА ТУПРОҚ ОСТИДАН СУҒОРИШ  
УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2023



Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx496 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Исаев Сабиржан Хусанбоевич,  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:** Норкулов Усмонкул  
кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Комилов Бахтиёр Султанович  
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:** Ирригация ва сув муаммолари институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «26» 07 2023 йил соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [piim@agro.uz](mailto:piim@agro.uz))

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№146 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2023 йил «7» 07 да тарқатилди.  
(2023 йил «7» 07 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



**Б.М.Халиков,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., к.х.ф.д., профессор.

**Ф.М.Хасанова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби к.х.ф.н., профессор.

**Ж.Х.Ахмедов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ер шарининг учдан икки қисми сув билан қопланган бўлиб, унинг 97,5 фоизини истеъмолга яроқсиз шўр сувлар ташкил этади. «Мавжуд сув ресурсларининг бор-йўғи 2,5 фоизи чучук сув захиралари бўлиб, унинг 70 фоиз қисми музликлар, 29 фоизи ер ости сувлари ва 1,0 фоизи кўл ва дарё сувларидир<sup>1</sup>». Дунёда глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация ишлари самарадорлигини ошириш, сувни тежаш, суғоришнинг тежамкор инновацион технологияларини кенг жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда глобал иқлим ўзгариши иқтисодиётнинг барча соҳаларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилга айланмоқда. Айниқса, иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалик иқтисодиётига таъсири юқоридир, чунки қишлоқ хўжалиги об-ҳаво шароитига боғлиқ тармоқларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сув тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш бўйича илмий изланишларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Республикамизда суғориб деҳқончилик қилинадигон майдонни суғориш учун бир йилда 46 млрд куб метр сув сарфланади. Бироқ, ўсимликлар ушбу сувнинг 60 фоизидан фойдаланади холос, унинг қолган қисми турли тарзда исроф бўлиб кетади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришнинг замонавий сув тежамкор усуллари ишлаб чиқиш ҳамда кам сув сарфлаб, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини амалиётга тадбиқ қилиш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Республикамизда аҳоли сонининг ўсиши, энг зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам кўпайиб бориши натижасида сув ресурсларига бўлган талаб янада ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853-сонли 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида<sup>2</sup>»ги Фармонида белгиланган вазифаларни сув ресурслари тақчил ҳозирги шароитда сувни тежаб сарфлаш, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва унинг оқовага чиқиб исроф бўлишини камайтириш, суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эътибор қаратиш зарур. Бу ҳолат эса экинларни суғоришнинг ноанъанавий тупроқ остидан суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги

<sup>1</sup>[https://uz.wikipedia.org/wiki/Suv\\_resurslari](https://uz.wikipedia.org/wiki/Suv_resurslari)

<sup>2</sup><https://lex.uz/docs/4567334>

Фармони, 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499 сон «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 17 июлдаги ПҚ-5742 сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-144 сон «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги:** Мазкур илмий-тадқиқот ишлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитнинг муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, техника ва технологияларини тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озуқа тартибига, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича хориж ва республикамиз олимлари А.Е.Нерозин, М.Азизов, М.Ф.Пересоков, П.В.Старов, С.А.Гильдиев, С.Набихўжаев, Ф.М.Саттаров, Н.Ф.Беспалов, Г.А.Безбородов, Б.Ф.Қамбаров, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, А.С.Шамсиев, Т.Ражабов, М.Ҳасанов ҳамда хорижда D.Balla, S.Maasen, J.Andersson, B. Wedding, K.Toderski, K.M.Keinzler, A.S.Qureshi, M.Qadirlar томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикамизда тупроқ остидан суғориш усули бўйича М.Х.Хасанов, Ф.Саттаров, Г.А.Безбородов, М.М.Хасанов каби таниқли олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин, Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз, сизот сувлари сатҳи 2,0–2,5 м чуқурликда жойлашган тупроқлар шароитида ғўзанинг Андижон-35 ҳамда Андижон-36 навларининг экиш тизимларига боғлиқ ҳолда тупроқ остидан суғориш усулини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Сув тежамкор суғориш технологияларини такомиллаштириш» мавзусидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган (2018–2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини тупроқ остидан суғориш усулини турли экиш тизимларига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғўзанинг тупроқ остидан суғориш усулини тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг экиш схемаларига боғлиқ

ҳолда тупроқ остидан суғориш муддати, сони ва меъёрларини аниқлаш;

тупроқ остидан суғориш усулида ғўзанинг сув истеъмоли, бир центнер ҳосил олиш учун сарфланган сув ва бир метр куб сув сарфлаб олинган ҳосилни аниқлаш;

тупроқ остидан суғориш усулини ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ғўзанинг тупроқ остидан суғориш усулини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари, ғўзанинг «Андижон-35» ва «Андижон-36» навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқ остидан суғориш, тупроқнинг агрофизикавий хоссалари, суғориш усуллари, ғўзанинг сув истеъмоли, сув баланси, ғўзанинг ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги, тола сифати ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда тупроқ ва ўсимлик намуналари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар ва ўлчовлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методика полевого опыта», тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубномалари асосида амалга оширилган. Олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби ёрдамида математик ишловдан ўтказилган ва SAS дастури орқали статистик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилояти ўтлоқи бўз тупроқларида ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини тупроқ остидан суғориш усули қатор ораси (60x15x1 ва 90x10x1) экиш схемаларига мос равишда ишлаб чиқилган;

ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида ғўза навлари тупроқ остидан суғорилганда суғоришлар сони 35 марта, бир марталик суғориш меъёри эса гектарига ўртача 72 м<sup>3</sup> ни ташкил этиши илмий асосланган;

ғўза навларини экиш тизимида боғлиқ ҳолда тупроқ остидан суғориш усулида ғўзанинг 1 ц ҳосил олиш учун сарфланган сув сарфи 95 м<sup>3</sup> ва 1 м<sup>3</sup> сув сарфлаб олинган ҳосил эса 1050 грамм миқдорда бўлиши аниқланган;

тупроқ остидан суғориш усулида ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини ўсиб-ривожланиши, чинбарглар сони ўртача 0,5 донага, шоналар сони 0,8 донага, ҳосил шоҳлари 0,8 донага ва кўсаклар сони 4,5–5,0 донага ортганлиги ҳисобига қўшимча 16,9 ц/га ҳосил олинган, пахта толаси сифат кўрсаткичлари, тола чиқиши 0,3 фоизга, тола узунлиги 0,2 миллиметрга ортганлиги аниқланган;

тупроқ остидан суғориш усули самарали эканлиги аниқланиб, шартли соф фойда 12241 минг сўм/га га, рентабеллик даражаси 41,6 фоизга ортишига эришилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида тупроқ остидан суғориш усулида Андижон-35 ва Андижон-36 навларини етиштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бу усулда ғўза навларини суғориш ва экиш схемаларига боғлиқ ҳолда ўтлоқи бўз тупроқларнинг ҳажм массаси мавсум бошида ҳайдов (0–30 см) қатламида  $1,27 \text{ г/см}^3$  ни ташкил қилган бўлса, эгатлаб суғориш усулида мавсум охирида  $1,33 \text{ г/см}^3$  ёки  $0,06 \text{ г/см}^3$  га ортган, тупроқ остидан суғориш усулида эса  $1,28 \text{ г/см}^3$  ёки  $0,01 \text{ г/см}^3$  ортган. Тупроқнинг сув ўтказувчанлигига суғориш усуллари ўзига хос таъсир кўрсатган ҳолда, мавсум бошида  $927,0 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлса, эгатлаб суғориш усулида мавсум охирида  $825,7 \text{ м}^3/\text{га}$  ёки  $101,3 \text{ м}^3/\text{га}$  камайган, тупроқ остидан суғориш усулида эса  $906,6 \text{ м}^3/\text{га}$  ёки  $21,4 \text{ м}^3/\text{га}$  камайганлиги кузатилган.

Ўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навлари эгатлаб суғориш усулида мавсумда  $4870\text{--}4900 \text{ м}^3/\text{га}$  меъёрда, 1-2-1 тизимда 4 марта суғорилган бўлса, тупроқ остидан суғориш усулида мавсум давомида  $2304\text{--}2650 \text{ м}^3/\text{га}$  меъёрда сув сарфланиб, 8-17-10 тизимда 35 марта суғорилган ҳамда эгатлаб суғоришга нисбатан  $2220\text{--}2596 \text{ м}^3/\text{га}$  ёки  $45,6\text{--}52,9\%$  сув тежалгани, Андижон-35 навида  $16,9\text{--}17,3 \text{ ц/га}$  ва Андижон-36 навида  $14,2\text{--}14,4 \text{ ц/га}$  қўшимча ҳосил олинган ҳолда рентабеллик даражаси  $19,3\text{--}20,4\%$  ошганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга вариацион–статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқот маълумотлари билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва Республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган маҳаллий ва хорижий журналларда мақолалар чоп этилганлиги натижаларининг ишончлилигини белгилайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини парваришlashда тупроқ остидан суғориш усулини ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш сонлари, муддатлари, суғориш меъёрлари ва мавсумий суғориш меъёрлари бўйича илмий маълумотлар тўпланганлиги ҳамда 1 центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув миқдорлари, ғўзанинг сув истеъмоли кўрсаткичлари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Олинган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ғўзани тупроқ остидан суғориш усулини ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи мақбул суғориш тартибларини, муддатларини аниқланганлиги, фермер хўжаликларида жорий этилганлиги ва сифатли ҳосилдорлик кўрсаткичига ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахтачиликда қатор ораси 60 ва 90 см схемада экилиб, ғўза навларини парваришlashда тупроқ остидан суғориш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ушбу тадқиқот иши асосида пахтачилик фермер хўжаликлари учун “Ўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини парваришlashда тупроқ остидан суғориш усулини қўллаш” бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг “Ўзани тупроқ остидан суғориш усулини қўллаш” бўйича IP-CENTER №001223 гувоҳномаси олинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 декабр 07/21-9677 сонли маълумотномаси). Тавсиянома пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида фойдаланиш учун хизмат қилади;

Андижон вилояти шароитида ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини тупроқ остидан суғориш усули жами 15 гектарга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 декабрь 07/21-9677 сонли маълумотномаси). Натижада, суғориш сувлари 45–50 фоизга иқтисод қилиниб, 14–17 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга қаратилган агротехник тадбирлар Андижон вилоятининг Андижон туманидаги “Олимжонов Омадбек” фермер хўжалигида ғўзанинг Андижон-35 нави 7 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 декабр 07/21-9677 сонли маълумотномаси). Натижада, ғўзанинг қатор ораси 60 ва 90 см экиш тизимида, ЧДНСга нисбатан 70–70–60% тартибида мавсумий суғориш меъёри эгатлаб суғориш усулида 4929–4973 м<sup>3</sup>/га сув сарфлаб суғорилганда, 32,0–33,1 ц/га пахта ҳосили олинган, тупроқ остидан суғориш усулида эса 2555–2590 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганда пахта ҳосили 47,9–48,4 ц/га ёки эгатлаб суғоришга нисбатан 14,8–16,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

Андижон-36 нави тупроқ остидан суғориш усулида “Олимжонов Омадбек” фермер хўжалигида 8 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 декабр 07/21-9677 сонли маълумотномаси). Натижада, ғўзанинг қатор ораси 60 ва 90 см экиш тизимида, ЧДНСга нисбатан 70–70–60 % тартибида мавсумий суғориш меъёри эгатлаб суғориш усулида 4864–4974 м<sup>3</sup>/га сув сарфлаб суғорилганда, пахта ҳосили 31,3–32,0 ц/га олинган, тупроқ остидан суғориш усулида эса 2450–2527 м<sup>3</sup>/га сув сарфланганда пахта ҳосили 46,8–48,0 ц/га ёки эгатлаб суғоришга нисбатан 15,5–16,0 ц/га қўшимча пахта ҳосили олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ўтказилган дала тажрибалари ҳар йили апробациядан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда ПСУЕАИТИ олимлари томонидан яхши баҳоланган. Йиллик ҳисоботлар ҳар йили Услубий кенгашларда муҳокама қилинган. Диссертация тадқиқотлари бўйича

республика ва ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар нашр этилган. Жумладан: журналларда 3 та мақола, шундан 2 та республика ва 1 та хорижий журналларида, 1 тавсиянома ишлаб чиқилган ва чоп этилган, 3 та республика ва халқаро миқёсдаги конференциялари тўпламларида мақолалар эълон қилинган ҳамда 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий–тадқиқотлар бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, кишлок хўжалик экинларига сув тежамкор тупроқ остидан суғориш усулини қўллаш, мавсумий ва суғориш меъёрларини белгилаш ҳамда ғўзани ўсиб–ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олинган маҳаллий ва хорижий олимларнинг маълумотлари батафсил баён қилинган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида қисқа ҳолда бу муаммоларни ўрганишни давом эттириш лозимлиги ва бу усулни такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ–иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Андижон вилоятида амал даврининг бошланиши март ойининг охирига тўғри келиб, ўртача суткалик  $+10^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳарорат  $202\text{--}222$  кунгача, самарали ҳароратлар йиғиндиси  $+1962\text{--}2555^{\circ}\text{C}$  даражани ташкил этиши ва амал даврида суткалик ўртача ҳарорат чўл зоналарида  $+23,5^{\circ}\text{C}$ , оч тусли бўз тупроқлар  $+21,6\text{--}22,6^{\circ}\text{C}$  ва типик бўз тупроқли ерларда  $+20,4\text{--}21,6^{\circ}\text{C}$  даражани ташкил этиши, совуқсиз кунлар  $194\text{--}214$  кунгача давом этиб, самарали ҳароратлар йиғиндиси 1 апрел–1 октябр оралиғида  $+2027\text{--}2620^{\circ}\text{C}$  гача етиб, ўртача йиллик ёғин миқдори типик бўз тупроқларда  $350$  мм, оч тусли бўз тупроқли ерларда  $240$  мм ва чўл минтақаларда  $100$  миллиметргача бўлиши кўрсатиб ўтилган.


Тажриба ўтказилган дала тупроқлари қадимдан суғориб келинаётган ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида олиб борилган бўлиб, сизот сувлари  $2,0\text{--}2,5$

метр чуқурликда жойлашган. Тажриба майдонидаги тупроқнинг ҳайдов (0–30 см) қатламида чиринди (гумус) миқдори ўзлаштирилганлик даражасига қараб 0,8–1,01 фоизни, озика моддаларнинг умумий шаклларида азот миқдори 0,078–0,171 фоизни, калий миқдори 1,50–1,63 фоизни, фосфор миқдори 0,121–0,146 фоизни ташкил этиб, озика унсурлари билан кам таъминланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу бобда дала ва лабораториядаги илмий изланишлар ПСУЕАИТИ да қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» қўлланмаси асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида математик таҳлилдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Тажриба даласи тупроғининг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари ўзгаришини аниқлашда «Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» қўлланмасидан фойдаланилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлик эса (РАМА 1x1 м) усули бўйича аниқланган.

Диссертация иш дастурига мувофиқ илмий ишланишлар Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилганлиги, ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилиб, тадқиқотлар объекти сифатида ўтлоқи бўз тупроқлар, ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларининг тупроқ остидан суғориш усули тавсифи баён қилинган.

Диссертациянинг “Тадқиқотлар натижалари” деб номланган учинчи бобда 2018–2020 йилларда Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида тупроқ остидан суғориш усули қатор ораси 60 ва 90 см экиш схемасида ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларида ўрганилган ҳамда суғориш сувларидан самарали фойдаланиш ишлаб чиқилган.




1-расм. Тупроқ остидан суғориш усулини тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см<sup>3</sup>.

Ғўза навлари ва экиш схемаларига боғлиқ ҳолда ўтлоқи бўз тупроқларнинг ҳажм массаси мавсум бошида ҳайдов (0–30 см) қатламида 1,27 г/см<sup>3</sup> ни ташкил


қилган бўлса, эгатлаб суғориш усулида мавсум охирида  $1,33 \text{ г/см}^3$  ёки бу кўрсаткич  $0,06 \text{ г/см}^3$  га ортган, тупроқ остидан суғориш усулида эса  $1,28 \text{ г/см}^3$  ёки  $0,01 \text{ г/см}^3$  ни ташкил қилган (1-расм).

Тупроқнинг сув ўтказувчанлигига суғориш усуллари ўзига хос таъсир кўрсатган ҳолда, 6 соат давомида мавсум бошида  $927,0 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлса, эгатлаб суғориш усулида мавсум охирида,  $825,7 \text{ м}^3/\text{га}$  ёки мавсум бошига нисбатан  $101,3 \text{ м}^3/\text{га}$  камайган, тупроқ остидан суғориш усулида эса  $906,6 \text{ м}^3/\text{га}$  ёки мавсум бошига нисбатан  $21,4 \text{ м}^3/\text{га}$  камайиб, сув ўтказувчанлик хусусияти деярли ўзгармагани қайд этилган (2-расм).



2-расм. Ғўзани тупроқ остидан суғориш усулининг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири.

Тупроқнинг суғориш олди ҳақиқий намлиги тажрибада оддий усулда ва тензиометр нам ўлчагични қўллаш орқали аниқланган.



3-расм. Ғўзани эгатлаб суғоришда, тупроқ намлиниши, 1,2,3,4-рақамлар суғоришлар сони.

Эгат олиб суғорилганда тупроқнинг суғориш олди намлиги ғўзанинг униб чиқиб ривожланиш фазасида ЧДНСга нисбатан тупроқнинг 0–50 см ҳисобий қатламидаги ўртача намлик 64,8 фоизни, 0–100 см ҳисобий қатламда гуллашгача 61,2 фоизни, пишиш фазасида эса 59,8 фоизни ташкил этган.

Арид зоналарида қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур бўлган сув тартибига фақатгина суғоришлар орқали эришиш мумкин. Суғориш меъёри ва сони эса ўсимликни тури ва навига, иқлимий, гидрогеологик ва тупроқ-мелиоратив шароитларига боғлиқ ҳолда С.Н.Рыжов формуласи ёрдамида аниқланган:

$$m = (W_{\text{чднс}} - W_{\text{фак}}) * 100Jh + \kappa, \text{ м}^3/\text{га}$$

бунда:  $W_{\text{чднс}}$ – тупроқнинг чекланган дала нам сифими, тупроқ оғирлигига нисбатан % ҳисобида;

$W_{\text{фак}}$ – суғориш олди тупроқнинг фактик намлиги, тупроқ оғирлигига % ҳисобида;

$J$ – тупроқнинг ҳажм массаси, г/см<sup>3</sup>;

$h$ –ҳисобий қатлам, м;

$\kappa$ – суғориш давомида буғланишга кетган сув сарфи, м<sup>3</sup>/га.

### 1-жадвал

#### Эгатлаб ва тупроқ остидан суғориш усулида суғоришнинг муддат ва меъёрлари

| №                 | Вар.                            | Кўрсаткичлар                               | Суғоришлар сони |   |       |       | Суғориш тизими | Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га |      |
|-------------------|---------------------------------|--|-----------------|---|-------|-------|----------------|---|------|
|                   |                                 |  | 1               | 2   | 3     | 4     |                |   |      |
| <b>Андижон-35</b> |                                 |  |                 |   |       |       |                |   |      |
| 1                 | Назорат эгатлаб суғориш 60x15x1 | Суғоришлар муддати, санаси                 |                 | 24.06   | 10.07 | 24.07 | 05.08          | 1-2-1                                       | 4870 |
|                   |                                 | Суғоришлар меъёри, сони м <sup>3</sup> /га | Брутто          | 1185  | 1262  | 1284  | 1139           |   |      |
|                   |                                 |  | Нетто           | 1090  | 1148  | 1156  | 1059           |   | 4453 |
|                   |                                 | Суғоришлар оралиғи, кун                    |                 | 16  | 14    | 12    |                |   |      |
| <b>Андижон-35</b> |                                 |  |                 |   |       |       |                |   |      |
| 2                 | Тупроқ остидан суғориш 60x15x1  | Суғоришлар муддати, санаси                 |                 | 24.05; 01.06; 07.06; 12.06; 18.06; 24.06; 30.06; 04.07; 08.07; 11.07; 14.07; 17.07; 20.07; 23.07; 26.07; 28.07; 30.07; 01.08; 03.08; 05.08; 07.08; 09.08; 11.08; 13.08; 15.08; 18.08; 21.08; 24.08; 27.08; 30.08; 03.09; 05.09; 07.09; 10.09; 12.09 |       |       |                | 8-17-10                                     | 2650 |
|                   |                                 | Суғоришлар меъёри, сони м <sup>3</sup> /га |                 | 35 маротаба ўртача 75,1 м <sup>3</sup> /га дан суғориш ўтказилди.   |       |       |                |   |      |
| <b>Андижон-35</b> |                                 |  |                 |   |       |       |                |   |      |
| 3                 | Назорат эгатлаб суғориш 90x10x1 | Суғоришлар муддати, санаси                 |                 | 24.06   | 10.07 | 24.07 | 05.08          | 1-2-1                                       | 4860 |
|                   |                                 | Суғоришлар меъёри, сони м <sup>3</sup> /га | Брутто          | 1150  | 1250  | 1310  | 1150           |   |      |
|                   |                                 |  | Нетто           | 1058  | 1137  | 1179  | 1058           |   | 4403 |
|                   |                                 | Суғоришлар оралиғи, кун                    |                 | 16  | 14    | 12    |                |   |      |
| <b>Андижон-35</b> |                                 |  |                 |   |       |       |                |   |      |
| 4                 | Тупроқ остидан суғориш 90x10x1  | Суғоришлар муддати, санаси                 |                 | 24.05; 01.06; 07.06; 12.06; 18.06; 24.06; 30.06; 04.07; 08.07; 11.07; 14.07; 17.07; 20.07; 23.07; 26.07; 28.07; 30.07; 01.08; 03.08; 05.08; 07.08; 09.08; 11.08; 13.08; 15.08; 18.08; 21.08; 24.08; 27.08; 30.08; 03.09; 05.09; 07.09; 10.09; 12.09 |       |       |                | 8-17-10                                     | 2536 |
|                   |                                 | Суғоришлар меъёри, сони м <sup>3</sup> /га |                 | 35 маротаба ўртача 72,5 м <sup>3</sup> /га дан суғориш ўтказилди..  |       |       |                |   |      |

## 1-жадвал давоми

| №                       | Вар.                            | Кўрсаткичлар                               | Суғоришлар сони   |       |       |       | Суғориш тизими | Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га |
|-------------------------|---------------------------------|--|---|-------|-------|-------|----------------|---|
|                         |                                 |  | 1   | 2     | 3     | 4     |                |   |
| <b>Андижон-36</b>       |                                 |  |   |       |       |       |                |   |
| 5                       | Назорат эгатлаб суғориш 60x15x1 | Суғоришлар муддати, санаси                 | 24.06   | 10.07 | 24.07 | 05.08 | 1-2-1          | 4900  |
|                         |                                 | Суғоришлар меъёри, м <sup>3</sup> /га      | Брутто  | 1170  | 1280  | 1320  |                |   |
|                         |                                 |  | Нетто   | 1076  | 1165  | 1181  |                | 1051  |
| Суғоришлар оралиғи, кун |                                 | 16   | 14  | 12    |       |       | 4453           |   |
| <b>Андижон-36</b>       |                                 |  |   |       |       |       |                |   |
| 6                       | Тупроқ остидан суғориш 60x15x1  | Суғоришлар муддати, санаси                 | 24.05; 01.06; 07.06; 12.06; 18.06; 24.06; 30.06; 04.07; 08.07; 11.07; 14.07; 17.07; 20.07; 23.07; 26.07; 28.07; 30.07; 01.08; 03.08; 05.08; 07.08; 09.08; 11.08; 13.08; 15.08; 18.08; 21.08; 24.08; 27.08; 30.08; 03.09; 05.09; 07.09; 10.09; 12.09 |       |       |       | 8-17-10        | 2304  |
|                         |                                 | Суғоришлар меъёри, сони м <sup>3</sup> /га | 35 мартаба ўртача 65,8 м <sup>3</sup> /га дан суғориш ўтказилди.  |       |       |       |                |   |
| <b>Андижон-36</b>       |                                 |  |   |       |       |       |                |   |
| 7                       | Назорат эгатлаб суғориш 90x10x1 | Суғоришлар муддати, санаси                 | 24.06   | 10.07 | 24.07 | 05.08 | 1-2.-1         | 4825  |
|                         |                                 | Суғоришлар меъёри, сони м <sup>3</sup> /га | Брутто  | 1137  | 1235  | 1296  |                |   |
|                         |                                 |  | Нетто   | 1046  | 1124  | 1166  |                | 1067  |
| Суғоришлар оралиғи, кун |                                 |  |   |       |       |       | 4403           |   |
| <b>Андижон-36</b>       |                                 |  |   |       |       |       |                |   |
| 8                       | Тупроқ остидан суғориш 90x10x1  | Суғоришлар муддати, санаси                 | 24.05; 01.06; 07.06; 12.06; 18.06; 24.06; 30.06; 04.07; 08.07; 11.07; 14.07; 17.07; 20.07; 23.07; 26.07; 28.07; 30.07; 01.08; 03.08; 05.08; 07.08; 09.08; 11.08; 13.08; 15.08; 18.08; 21.08; 24.08; 27.08; 30.08; 03.09; 05.09; 07.09; 10.09; 12.09 |       |       |       | 8-17-10        | 2469  |
|                         |                                 | Суғоришлар меъёри, сони м <sup>3</sup> /га | 35 мартаба ўртача 70,5 м <sup>3</sup> /га дан суғориш ўтказилди.  |       |       |       |                |   |

Суғоришлар сони барча тажрибаларда берилган суғориш олди тупроқ намлигига, етиштирилаётган экинларнинг биологик хусусиятларига ва суғоришлар меъёрига боғлиқлиги аниқланган.

Ўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навлари эгатлаб суғориш усулида мавсумда 4870–4900 м<sup>3</sup>/га меъёрда, 1–2–1 тизимда 4 марта суғорилган бўлса, тупроқ остидан суғориш усулида мавсум давомида 2304–2650 м<sup>3</sup>/га меъёрда сув сарфланиб, 8–17–10 тизимда 35 марта суғорилган ҳамда эгатлаб суғоришга нисбатан 2220–2596 м<sup>3</sup>/га ёки 45,6–52,9% сув тежалгани аниқланган (1-жадвал).

Ўзанинг тупроқ остидан суғориш усулини бир кўсакдаги пахта вазнига таъсири ўрганилган. Бир кўсакдаги пахта вазнини аниқлаш мақсадида тажриба даласидаги барча вариантлардан ва қайтариқлардан ҳар терим олдида 100 тадан намуналар териб олинган (2-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларга асосан Андижон-35 ўза нави экилган эгатлаб суғорилган вариантларда бир кўсакдаги пахта вазни ўртача 4,5–4,75 грамм га, Андижон-36 ўза навида эса 4,5–4,65 грамм га тенг бўлган

бўлса, бу кўрсаткич тупроқ остидан суғорилган Андижон-35 ғўза навида 5,05–5,0 граммни, Андижон-36 навида эса 5,05–5,2 граммни ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан тегишлича 0,25–0,55; 0,40–0,55 грамм га ортганлиги аниқланган.

2-жадвал


**Ғўзани эгатлаб ва тупроқ остидан суғориш усулининг бир кўсакдаги пахта вазнига таъсири, грамм ҳисобида, 2018 йил маълумоти**

| Вариантлар                      | Теримлар, грамм. |     | Ўртача, грамм. | Фарқи,± |
|---------------------------------|------------------|-----|----------------|---------|
|                                 | 1                | 2   |                |         |
| <b>Ғўзанинг Андижон-35 нави</b> |                  |     |                |         |
| 1                               | 4,4              | 4,6 | 4,5            | –       |
| 2                               | 5,1              | 5,0 | 5,05           | +0,55   |
| 3                               | 4,7              | 4,8 | 4,75           | –       |
| 4                               | 5,2              | 4,8 | 5,0            | +0,25   |
| <b>Ғўзанинг Андижон-36 нави</b> |                  |     |                |         |
| 5                               | 4,6              | 4,7 | 4,65           | –       |
| 6                               | 5,3              | 4,8 | 5,05           | +0,40   |
| 7                               | 4,6              | 4,7 | 4,65           | –       |
| 8                               | 5,5              | 4,9 | 5,2            | +0,55   |

Тажриба даласининг сув исътемоли суғориш ва мавсумий суғориш меъёрларига боғлиқ бўлиб, умумий сув сарфининг таркибий қисмлари ўзгаришини белгилайди, Даланинг умумий сув сарфини аниқлашда мавсумий суғориш меъёрлари, вегетация давридаги ёғингарчиликлар миқдорлари ва тупроқ захирасидан ўзлаштирилган сув миқдори ҳисобга олинган.


